

**«Тошкент қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улгуржи бозори»
акциядорлик жамияти Кузатув Кенгашининг
МАЖЛИС БАЁНИ**

2022 йил 19 сентябр
соат 11-00

Тошкент шаҳри
Жамият маъмурият биноси

Кузатув кенгаши аъзолари:

А.Раззоқов, М.Ирматов, Д.Ганиев, О.Расулов, Т.Камолов

Мажлисга таклиф этилганлар:

Ш.Рафиков
Д.Каримов

Жамият директори в.б
Жамият бош мухосиби

И.Абдурахмонова

Жамият қимматли қозғалар мутахассиси

О.Джумаев

Мажлисида раисликни Д.Ганиев олиб борди.
Д.Ганиев қворум борлигини инобатга олган ҳолда мажлисни очик деб эълон қилди.

МАЖЛИС КУН ТАРТИБИ:

1. *Жамият Кузатув кенгаши раисини сайлаш ҳақида*
2. *Жамият директори в.б Ш.Рафиковнинг аризасини кўриб чиқиш.*
3. *Жамияга директор тайинлаш ҳақида*

Мажлис раиси Д.Ганиев кун тартибидаги масалалар билан кенгаш аъзоларини таништирди ва кун тартиби бир овоздан тасдиқланди.

Кун тартибидаги **биринчи** масала юзасидан Д.Ганиев тушунтириш бериб, 2022 йил 13 сентябрда жамиятда янги Кузатув кенгаши аъзолари сайланганлиги муносабати билан уларнинг орасидан Кузатув кенгаши раиси сайлаб олиш лозимлигини билдирди ва А.Раззоқовни кузатув кенгаши раислигига таклиф этди.

Таклиф овозга қўйилди ва бир овоздан тасдиқланди.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича Т.Камолов сўзга чиқиб, жамият директори в.б Ш.Рафиковнинг бошқа ишга ўтиши муносабати билан лавозимидан озод этишни сўраб ёзган аризаси билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди.

Йиғилиш қатнашчилари Ш.Рафиковнинг аризасини қаноатлантиришни маъқуллашди.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича Д.Ганиев тушунтириш бериб, жамият раҳбари бошқа ишга ўтиши муносабати билан унинг ўрнига муносиб раҳбар тайинлаш кўриб чиқилганлигини, Джумаев Отабек Равшановични номзоди таклиф этилганлигини билдириб, кенгаш аъзоларидан фикр билдиришларини сўради.

Кенгаш аъзолари Джумаев Отабек Равшановични меҳнат фаолияти билан танишиб чиқишиб, унинг 2022 йил 19 сентябрдан жамият директори этиб сайланишини маъқуллашди.

Муҳокама этилган масала бўйича овоз бериш натижаси:
Розилар «5 овоз», Каршилар «йўк», Бетарафлар «йўк».
Юқоридагиларни инобатга олиб Кузатув кенгаши

ҚАРОР ҚИЛДИ

1. «Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозори» АЖнинг Кузатув кенгаши раиси этиб, А.Раззоқов сайлансин;
2. Жамият директори Ш.Рафиқов ўз аризасига кўра 2022 йил 19 сентябрдан лавозимидан озод этилсин;
3. Джумаев Отабек Равшанович 2022 йил 19 сентябрдан жамият директори вазифасини бажарувчи этиб тайинлансин.
4. О.Джумаевга жамият ишини Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 августдаги 253-сонли қарори ва бошқа меъёрий ҳужжатларга асосан юритиш вазифаси юклатилсин.
5. О.Джумаев билан амалдаги қонунчилик доирасида меҳнат шартномаси имзолансин ҳамда унинг ойлик маоши жамиятнинг штат жадвалига мувофиқ белгилансин.
6. Мазкур йиғилиш қарорини ўрнатилган тартибда бажариш жамият ижроия органига юклатилсин.

Мажлис раиси




Д.Ганиев

Кузатув Кенгаши аъзолари:


А.А.Раззоқов



О.Расулов



М.А.Ирматов



Т.К.Камолов



Баёни олиб борди



И.Урунбоев